



# СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИДА ЕРГА ҚЎШ ЧИҚАРИШ ВА ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР ҲАМДА УЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

ХАЙДАРОВ Одил Эргашевич

Термиз давлат университети,

мустақил тадқиқотчиси

*hajdarovodil188@gmail.com*



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-1-59-67>

Уишибу мақолада Сурхон-Шеробод воҳаси дехқонлари қўши чиқарииш ва экини экиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини ўтказиш билан боғлиқ қараашлари, бу маросимларда қишилоқнинг каттаю кичиги фаол иштирок этишиганлиги, маросимлар марказида Бободеҳқон тимсолидаги қария ва эл оқсоқоллари туришиганлиги юзасидан қиёсий таҳлиллар берилган.

## АННОТАЦИЯ

Албатта, бу иштирокчилар ажододлар таомилларига тўлиқ амал қилган ҳолда иши юритишган. Ҳосилдорлик ҳомийси билан боғлиқ сеҳрли (магик) расм-руsumлар ҳам амалга оширилган. Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, бу ерда ҳам Бободеҳқонга атаб «ис» чиқарииш, «ис» ёги билан қўшига қўшиладиган ҳўқиз шоҳини, омоч, бўйинтуриқ қисмларини мойлаши имон-эътиқодли, серфарзанд ва ували-жували қария томонидан амалга оширилиши ҳамда ҳар йили эрта баҳорда «она буёдой»ни сепини маросими ўтказилганлиги қиёсий таҳлиллар билан берилган.

**Калим сўзлар:** бободеҳқон, қўши вақт, йил, фасл, ой, астрономия, ҳисоб, қуёши, кун, хўжалик, фаолият, масаввур, табиат, юлдузлар.

*This article provides a comparative analysis of the views of the farmers of the Surkhan-Sherabad oasis on the customs and rituals associated with sowing and planting crops, on the fact that both old and young villages actively participated in these rites, and old people and elders of the village in the center of the ceremonies were the face of Babadehkhan.*

## ABSTRACT

*Of course, these participants worked in full accordance with the traditions of their ancestors. Magical (magik) pictures associated with the patron saint of fertility were also performed. As in other regions of Central Asia, here, too, the production of “is” in the name of Babadehkhan, the lubrication of ox horns, plows and parts of the yoke with oil “is” is performed by a believer, a nobleman and an old man. , and every year in early spring, “The ceremony of sprinkling the mother wheat is given by comparative analysis.*

**Keywords:** *bobodexkon, kush, time, year, season, month, astronomy, calculation, sun, day, economy, activity, imagination, nature, stars.*

В данной статье дается сравнительный анализ взглядов земледельцев Сурхан-Шерабадского оазиса на обычай и обряды, связанные с посевом и посадкой урожая, на то, что в этих обрядах активно участвовали и стар, и млад аула, и в центре церемоний были старики и старейшины села в лице Бабадеххана.

## АННОТАЦИЯ

Разумеется, эти участники работали в полном соответствии с традициями предков. Исполнялись также магические (*magik*) картины, связанные с покровителем плодородия. Как и в других районах Средней Азии, и здесь изготовление «ис» на имя Бабадеххана, смазывание воловых рогов, плугов и частей ярма маслом «ис» совершается верующим, дворянином и старцем., и каждый год ранней весной «Церемония окропления маточной пшеницы дается сравнительным анализом.

**Ключевые слова:** бабадеххана, куш, время, год, сезон, месяц, астрономия, расчет, солнце, день, экономика, активность, воображение, природа, звезды.

## КИРИШ (INTRODUCTION)

XX асрнинг ўрталарига келиб, фан ва техниканинг ривожланиши, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида бу урф-одат ва маросимларнинг анчагина қисми унутилди. Фақатгина Бободеконга атаб «ис» чиқариш билан боғлиқ таомилларгина сақланиб қолган, холос.

Деҳқончилик удум ва маросимлари ва уларнинг трансформациясида халқимизнинг менталитети, миллий ўзлиги мужассамлашгандир. Энг сара удум ва анъаналар одамларнииг яшашга бўлган завқ-шавқини оширади, халқимизнинг генофондини пок сақлашга, соғлом авлодни шакллантиришга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам деҳқончиликка оид удум ва анъаналарнинг тарихий илдизларини янада чуқурроқ ўрганиш лозим. Бизнингча, ҳар бир маросим ўзининг мақсад-моҳиятига кўра маълум шакл ва мазмунга эга бўлмоғи зарур. Бунинг учун шарқона қадимий урф-одат, анъана ва удумларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини акс эттирувчи илмий-оммабоп рисолалар, мақолалар, илмий-услубий қўлланмалар яратиш лозим.

Деҳқончилик ҳомийси Бободекон, осмон ва сайёralар ҳаракати билан боғлиқ мифологик эътиқод ва урф-одатларнинг тарихий илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Халқимизнинг деҳқончилик билан боғлиқ турли ирим-сиримларга амал қилиши ҳам улар самовий ёритқичлар ҳақидаги теран билимга эга бўлганлигини кўрсатади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан К. Шаниязов, А. Нарзиқулов, М. Жўраев, Б. Саримсоқов, И. Жабборов, Маҳмуд Саттор, М. Гаврилов, Е. В. Аничков, А. Аширов асарларида баён этилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуидаги гурухларга ажратиб ўрганилди. Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий ҳамда К. Юнусовнинг Мучал ва буржлар: толеномалар, ҳамда Исажон Султоннинг Билга Хоқон асарларига мурожаат қилинган ҳолда таҳлил этилди.

### МУҲОКАМА (DISCUSSION)

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигига қарашли Сурхон-Шеробод воҳасининг бекликларида баҳорги дала ишлари ҳутнинг кириши билан бошланган. Ҳар бир дехқончилик мавсумидаги маълум бир давр ичида такрорланиб турадиган иш жараёни турли хил анъана ва урф-одатлар билан қўшиб олиб борилган. Бу анъана ва маросимларнинг туб моҳиятига эътибор қилинса, уларнинг жуда қадимийлиги, яъни воҳа дехқончилик маданиятининг ilk шаклланиш даврига бориб тақалашини англаш мумкин.

Воҳада чорвачилик билан бир қаторда сугорма дехқончиликнинг ривожи боғдорчилик ва дехқончиликнинг тараққий этишига ҳам кенг йўл очиб берган. Натижада ер ҳайдаш (шудгорлаш), ерга дон сепиш, ғалла ўриш ва хирмон кўтариш («чош қилиш») билан боғлиқ бўлган анъаналар келиб чиқсан.

Наврўз байрами дехқонлар учун, айниқса, аҳамиятли бўлган. Чунки юқорида айтганимиздек, бу кунларда экин экишга киришилган ва дала, боғ юмушлари бошланган. Дехқонлар, боғбонлар ва чорвадорлар қишининг аёзли кунларидан омон-эсон чиқиб, баҳорнинг иссиқ кунларини интиқлик билан кутишган. Улар дехқончилик ишларига жиддий тайёргарлик кўрганлар, омоч – бўйинтуриқларни, молаларни созлаб, кўкламги экиш мавсумига тахт қилишган, отлар совутилган, аравалар тузатилган. Ҳўқизлар ҳам тайёр яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Асосий ишчи кучи бўлган ҳўқизларни яхши парваришлиш, ерни ҳайдашга олиб чиқишига алоҳида эътибор берилган. Дехқонлар ўз устозларидан, табаррук отахонлардан «оқ фотиҳа» олганлар.<sup>1</sup>

Анъанага кўра баҳорги шудгор олдидан «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир оиласда аёллар бўғирсок, чўзма пиширишган. Бу удум «ис» деб юритилган. Қозонда мой яхши қизитилиб, сўнгра унга кесилган хамир ташланган. Гўёки, марҳумлар ана шу мой қизишини эшитиб, «ис» пиширилганда чиқсан хиддан баҳраманд бўлар ва рухлари шод бўлишиб,

<sup>1</sup> Дала ёзувлари, 2015 йил. Шеробод тумани, Ўрин кишлоғи.

қариндош-уруғларига омад тилашар эмиш. Бўғирсоқ ва чўзмани оила аъзолари истеъмол қилишган, яна қўни-қўшниларга ва беморларга ҳам улашилган. Дехқонлар «хўқизлар кучли бўлсин», деб уларнинг шохини ва хўқиз чарчамаслиги учун бўйинтуриқни ҳам «ис» ёғи билан мойлашган. «Хўқизларни ёмон кўздан арасин», деб туморлар тақилган. Дастрлабки эгат олиш ёки уруғ сепишни оила ёки қишлоқдаги энг хурматли ва одатда, кекса кишилар бошлаб беришган. «Шохмойлар маросими дехқончилик билан боғлиқ урф-одатларнинг энг асосийси бўлиб, бу удум дехқончилик маросимларига йўл очган. Шунинг учун дехқонлар шохмойларни зўр танатана билан ўтказишга интилишган».<sup>2</sup>

Ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Сурхон-Шеробод воҳасига об-ҳаво қулай келса, ер эрта етила бошлаган. Кекса дехқонлар тупроқни кафтларида қисиб кўриб, ерга қўш чиқариш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаганлар. Бу ҳол ҳут ойининг охирги кунларига тўғри келган. Мабодо ер етилган бўлса, кафтдаги тупроқ иргитилганда титилиб кетган, акси бўлса, иргитилганда бир ерга тушган. Оқсоқоллар ўз тажрибасидан келиб чиқиб ер етилганини аниқлашса, дехқончилик билан боғлиқ удумларнинг яна бири «шохмойлар» ўтказилган.<sup>3</sup>

Дала этнографик кузатишларидан маълум бўлишича, Сурхон-Шеробод воҳасининг барча худудларида «шохмойлар» маросими, яъни далага қўш чиқариш кунини ўтказиш учун қишлоқ кексалари, оқсоқол, бой-бадавлат кишилар, кун ағдарувчилар (юлдузлар ҳаракатига қараб, яхши-ёмон кунларни аниқловчи ҳисобдонлар) омадли, хосиятли кунни белгилаганлар. Ҳар бир хонадон эгалари бу маросимга қатнашишга ҳаракат қилишган. Ушбу маросимга қишлоқнинг аёллари ҳам катта тайёргарлик кўришган. Улар бу маросимга атаб ялпиз, жағ-жағ, исмалоқ, қалдирғоч кулча каби доривор кўкатлардан турли хил таомлар (кўпинча қўк сомса) тайёрлашган, қишлоқнинг келин-қизлари теварак-атрофни супуриб-сидиришган, гиламлар тўшашган. Маросим ўтказиладиган кун кишилар табиат инъомларидан тайёрланган сомса, чучвара, шунингдек, қатпатир, палов, шўрва ва бошқа таомларни дастурхон қилиб, қўш бошига олиб чиққанлар. Таомлар еб бўлингач, маросим иштирокчиларига: «Мушкулларинг осон бўлсин, бошларинг омон бўлсин; тани сиҳатлик, элда хотиржамлик бўлсин; ерга қадалган бир дона уруғларинг минг дона бўлсин; худо ёр, азиз авлиё – анбиёлар мададкор бўлсин; Бободехқону Хизр бувалар қўллаб – қувватласин», деб дуо қилишган.<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 50.

<sup>3</sup> Дала ёзувлари, 2018 йил. Шеробод тумани, Хатак қишлоғи.

<sup>4</sup> Дала ёзувлари, 2017. Кумкўргон тумани, Арпа поя қишлоғи.

Маросимда ўтган йили ғалла ўрими пайтида ўриб олинган «охирги тутам буғдой донларидан тайёрланган нон ушатилиб, қишлоқнинг барча мўътабар қарияларига улашилган. Ўз навбатида шу нондан бир парчаси деҳқонга ва ҳўкизга ҳам берилган. Бу билан кишилар бу йилги ҳосил, ўтган йилги ҳосилга ўхшаб мўл-кўл бўлсин, хирмону ўраларга сиғмасин, деган истакни билдиришган. Нихоят, барча ҳўкизларга кўз тегмасин, ҳориб, чарчаб қолмасин деб шохига мой суртилган ҳамда исириқ тутатилган.»

Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғли туманларида ҳам қўш чиқариш билан боғлиқ маросим байрамона тусда ўтказилган. Одатда баҳор тоғларга кечроқ келганлиги боис экин-тикин мавсуми кечикмасин деб шудгорлаш ишлари кузда амалга оширилган. Шундай бўлса-да, Наврӯз байрами кунлари далага қўш чиқарилган. Қўш чиқариш удуми тоғликлар учун ҳам Наврӯз байрамининг бир куни сифатида тантана қилинган. Шу сабабли қишлоқнинг етти яшардан етмиш яшаригача оҳорли (янги) кийимларини кийишиб, топган – тутганларини дастурхонга тузишиб, элу халқ йифиладиган пайкал бошига йўл олишган. Тажрибали, ёши улуғ ва ном қозонган деҳқон тўғал («яхши» ва «ёмон») кунларининг ҳисобини олган, яъни юлдузлар ҳаракатини яхши билган. Мабодо маросимни ўтказиш муддати ёмон кунга тўғри келиб қолса, бошқа кунга кўчирилган. Қўш кўпинча душанба, чорshanба, жума кунлари чиқарилган.<sup>5</sup> Чунки зироатчилар бу кунларни омадли деб ҳисоблашган. Далага биринчи қўш чиқаришда хосиятли кунлар ҳақидаги сехрли (магик) амал қилиш дунё ҳалқларининг кўпчилигига мавжуд бўлганлиги этнографик адабиётларда қайд қилинган.<sup>6</sup> Албатта, қўш чиқариш маросими ҳам Наврӯз байрами тизимидағи деҳқончилик маросими сифатида ўтказилган. Маросим чоғида етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олинган: экадиган дони бўлмаса, уларга ёрдам қўлини чўзишган. Шерободлик Холмирза бобонинг айтишича, қўш чиқариш маросими чоғида баъзи одамлар, айниқса, бойбадавлат кишилар хонадонида Бободеҳқон руҳига ис қилинган. Қишлоқ мулласи «Куръон»дан оятлар ўқиган ва «Ишларингга, бошларингга кушойиш берсин, тансиҳатлик, хотиржамликни берсин», деб фотиҳа қилган. Чўзма (чалпак) пишган ёғдан ҳўкиз шохига, туёқларига ва елкасига, шунингдек, омочга ирим қилиб суркалган. Биринчи қўшни пайкал ерига қишлоқнинг кекса, ҳурматли, серфарзанд оқсоқолларидан бири солган. У қўш билан кучи етишига қараб ё бир, ё уч марта ёки беш марта бориб келиши керак бўлган. Шундан сўнг кузда ҳайдаб, экишга тайёрлаб қўйилган жойга дон сепиш учун омоч билан хат

<sup>5</sup> Дала ёзувлари, 2018. Шеробод тумани, Хатак қишлоғи.

<sup>6</sup> Аничков Е.В. Весенняя обрядовая песня на Западе и у славян. Часть I. -СПб., 1905. -С. 333-334.

тортилган, яъни 4 метр оралиқ қолдирилиб, қўш юргизилган. Шундан кейин уруғкашга (яъни дон сепувчига) навбат келган. У ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутам буғдойидан олинган донни ҳайдалган ерга ирим қилиб бир неча ҳовуч сочиб берган. Дон сочишга кўса, кал, кўр одамлар қўйилмаган, чунки бундай одамларнинг сепган уруғи ҳам сийрак қўкарап эмиш.<sup>7</sup>

XX асрнинг бошларида Шерободда қўшга олиб чиқилган ҳўқизларнинг шохига оқ пахтадан эшилган ипга зифир ёки қунжут ёғи суртилиб боғлаб қўйилган. Таом пишган ўчоқнинг чўғидан олиниб, сиртқи томонига дуо ёзилган исириқдонда исириқ тутатилган.<sup>8</sup> Тутатқидонлардаги белгиларни маҳаллий халқ сеҳр-жоду аҳамиятига эга деб ўйлашади. Исириқ тутатилгандан кейин омоч ушлаган кекса дехқон қўлтиғига қистирган тўртта нонни жуфт-жуфт қилиб синдирган ва маросим иштирокчиларига улашган. Иккинчи бир оқсоқол ёки уруғчи ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутам буғдойи бошофини дон қилиб, ерга ва ҳўқизларнинг устига сочган. Шундан сўнг экиш ишларига йўл очилган. Албатта, бу ерда ҳам ҳўқизларни етакловчи одам эътиқодли, покиза, пиру бадавлат ва эл орасида ҳурмати баланд бўлиши лозим бўлган. Мазкур маросимдан сўнг барча дехқонлар ўз ҳўқизларини етаклаб уй-уйларига қайтганлар ва оила даврасида байрам хурсандчилиги давом эттирилган. Бой хонадонларда эса қўш чиқариш арафасида маҳсус зиёфатлар берилган, улар мулла-эшонларни чақиришган ва «Дехқонлар рисоласи» ҳамда бошқа диний китобларни ўқишишган.<sup>9</sup> Маълумки, бундай рисолаларда дехқончилик пирига сифиниш билан боғлиқ қарашлар акс этган.<sup>10</sup>

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўш чиқариш муносабати билан ўтказилган «шохмойлар» маросимидан сўнг оқсоқоллар қарорига кўра жамоа аъзолари ёки пайкалчилар, ёхуд оила аъзолари келаётган дехқончилик мавсумида амалга оширилажак дала ишларининг режасини тузишган. Бунинг учун улар бир жойга йиғилиб «маслаҳат оши» ёки «қўш оши» уюштирганлар. Маслаҳат оши ёки қўш ошининг аниқ бир қуни бўлмаган. Эл кайвонилар «ер етилди, энди далага қўш чиқариш ёки ерга дон сепиб, қора кетмон қилиш мумкин», дейишишгач, омборларида буғдойи бор дехқонлар, оиласи ўзига тўқ бой-бадавлат кишилар ушбу удумларни ўтказишган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида воҳадаги бадавлат ва ўзига тўқ хонадонларнинг ўнлаб қора моли, отлари, қўй-эчкиси, от-улови, ери

<sup>7</sup> Дала ёзувлари, 2020 йил. Шеробод тумани, Чилонзор қишлоғи.

<sup>8</sup> Дала ёзувлари, 2020 йил. Шеробод тумани, Чилонзор қишлоғи.

<sup>9</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Б. 198.

<sup>10</sup> Бу хақда қаранг: Гаврилов М. Рисалы сартовских ремесленников, (исследования преданий мусульманских цехов). –Т., 1912.

мавжуд бўлган. Наврўз байрами кунлари, яъни маслаҳат оши куни уйида боқилган жонлиқни сўйишган. Қозондаги овқат тайёр бўлгач, маҳалла ва қишлоқнинг обрўли кишилари: мираблар, дин пешволари, бадавлат кишилар, шунингдек, қўни-қўшнилар, чоракорлар, мардикорлар хонадонга таклиф этилган. Йигилганларга овқат сузилган. Таом еб бўлингач, маросим иштирокчилари қуйруқ ёғидан олиб қўлларини, қошларини ва маҳсиларини мойлашган, қишлоқ мулласи Дехқонбобога бағишлиб дуойи фотиха ўқиган, шундан сўнг экин экин даврида амалга ошириладиган юмушлар режалаштириб олинган.

Кексаларнинг айтишича, маслаҳат оши дехқончилик мавсумининг бошланиши эмиш. Қозонга ёғ қанча қўп солинса, бошланаётган йил яхши келиб, экинлар серҳосил бўларкан. Хирмонлар донга, қўралар қўй-қўзига тўлиб, дастурхонлар анча тўкин бўларкан. Халқ қарашларига кўра, экин экишнинг биринчи куни қандай бошланса, йил охиригача шундай бўлар эмиш.

Воҳадаги қўпчилик кекса дехқонларнинг таъкидлашларича, «қўш оши»га йил, ҳосил баракали бўлиши учун ҳеч қачон ориқ жонлиқ сўйилмаган. Товуқ сўйса ҳам семизидан танлашган. Бу удумлар халқ орасида ҳозирги кунларда ҳам сақланиб қолган. Қимматчилик ва қурғоқчиликни кўрган қишлоқ қариялари тўкин дастурхон атрофида палов ёки боқилган семиз қўйнинг пишган гўштини егач, беихтиёр қўллари ва қошларни мойладилар.<sup>11</sup>

Дала ёзувларидан шу нарса маълум бўлдики, баъзи бир ўртаҳол дехқон оиласарида «қўш оши» ёки «маслаҳат оши»га фақат ёғли палов ёки ёғли шўрва пиширилмаган, балки ёғли қатиқ, чакки (сузма) ва кесган ош, гуручова, яъни гўжа оши ҳам тайёрланган.

Дарҳақиқат, қўш оши, қўш чиқариш, сайил оши каби маросимлар баъзи қишлоқларда йилбоши ҳам дейилган. Бунда жамоалар ҳар йили Наврўз кунлари йилбоши ошини тайёрлашиб халққа тарқатишган. Наврўз кунларининг бирида, яъни ҳаво очиқ бўлган пайтда оқсоқоллар кенгашиб, одамларни қишлоқ четидаги майдончага чорлаганлар. Кекса киши барчани йилбоши ошига чақирган. Бирор бир қозон кесган ош, бирор бир қозон жўхори ош, яна бирор бир қозон гуруч оши пишириб майдонга олиб чиқсан. Баъзилар эса турли хил пишириклар тайёрлашган. Икки-уч момо қўлига чўмич олиб, қозондаги ошларни катта-ю кичикка тарқатишган.

<sup>11</sup> Дала ёзувлари, 2017 йил. Кумкўргон тумани, Арпапоя қишлоғи.

Умуман, йилбоши ошига кўпинча янги келин олганлар, ўғил фарзанд кўрганлар, элдан дуо олмоқчи бўлганлар қора қозонни ошга тўлдириб олиб чиқишиган.<sup>12</sup>

## НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Мақолада XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Сурхон-Шеробод воҳа худудларида маслаҳат оши, қўш оши, йилбоши ошлари каби удумлар тақвимий ҳисоб-китоблар асосида қадимдан ўтказиб келинганилиги таҳлил қилиниб ёритиб берилди..

## ХУЛОСА (CONCLUSION)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўкламда далага биринчи қўш чиқариш ва экин экиш билан боғлиқ удумлар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Сурхон-Шеробод воҳаси деҳқонлари ўртасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, маросимлар ўзининг моҳиятига кўра келаётган йилда мўлкўл ҳосил етиширишдек эзгу мақсадга қаратилган қадимий қадриятлар сирасига киради. Қолаверса, бу маросимлар кишиларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат-иззатини ва меҳрини оширган. Юқорида санаб ўтилган маросимларда миллий қадриятлар улуғланганлиги боис ҳам бу маросимлар асрлар мобайнида аждодлардан авлодларга ноёб мерос бўлиб келмоқда ва уларнинг айрим кўринишлари халқимиз турмушида ҳозиргача сақланиб қолган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Кармышева -Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях. -С.73.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент, 1994. - Б. 198.
3. Аничков Е.В. Весенняя обрядовая песня на Западе и у славян. Часть I. - СПб., 1905. -С. 333-334.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 50.
5. Гаврилов М. Рисалия сартовских ремесленников, (исследования преданий мусульманских цехов). –Т., 1912.
6. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т., Адолат, 2004. – 208 бет.
7. Шаниязов К. Узбеки – карлуки: (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. - Ташкент: Наука, 1964. - 195 с.
8. А.Нарзикулов. Деҳқон тақвими. -Т., 1991. -Б. 61.
9. Жўраев М. Наврўз қўшиқлари. . -Т., 2007. 164 - Б.
10. Турсунов, С. Н. (2021). СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-3).

<sup>12</sup> Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Б. 98.

11. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O 'ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO 'YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 568-577.
12. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 134-140.
13. Тўраева, Л. О. (2022, June). Мақолларда дәхқонлар ҳаётининг бадиий талқини. In *E Conference Zone* (pp. 71-73).
14. Ахророва, Ш. (2020). Жамият ривожида миллий қадриятларнинг ўрни. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
15. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO 'LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 914-921.
16. Yusupova, M. (2020). Наврӯз байрами таомлари тарихийлик ва замонавийлик. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 2(2).